




Бундан 34 йил олдин, 1986 йилнинг декабрида Алматида Козогистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Динмухаммад Кунаевнинг олиб ташланишига ва КПСС Ульяновск вилоят Комитетининг собик биринчи котиби Геннадий Колбиннинг бу лавозимга тайинланишига карши ёшларнинг оммавий намойишлари бўлиб ўтди.

КПСС Бош котиби Михаил Горбачевнинг бу қарори 20-йилларнинг "коренизация сиёсати" даврида ишлаб чиқилган партиявий ҳаёт нормасига карши чиқди, унга кўра Республика Коммунистик партияларининг биринчи котиблари маҳаллий миллатга мансуб вакиллар тайинланар эди.

Козогистон ва козокларнинг тарихий ўтмишига кўпроқ кизикадиган ва партия органлари олиб бораётган миллий сиёсатга карши чиққан зиёлилар ва ўқимишли ёшлар сонининг ўсиши билан бирга козокларнинг миллий онги ҳам ўсгани вазиятни янада кучайтирди. Шундай қилиб, 1982 йилда Козогистон ССРнинг ўша пайтдаги пойтахти Алматида козок тилида фақат 3 та мактаб, 7 та аралаш ва 4 та козок тилидаги болалар богчаси бўлган. Козогистон вилоят партия комитетларининг 5 та биринчи котиблари орасида фақат битта козок бор эди. Козогистон коммунистик партияси Марказий комитетида 80% кадрлар маҳаллий бўлмаган. Бойкўнгир космодромининг Козогистонда жойлашганига

карамай, биронта козок космосда бўлмаганини козок зиёлилари вакиллари ўзига хос казус, деб кўрсатарди.

Буларнинг барчаси козокларда ўзини иккинчи даражали одамлар, деб хис киладиган бир туйгу сабаб бўларди. КГБ нинг республика бўлими таъкидлаганидек, козокларнинг ўз-ўзини англаши ўсиб бориши кўпинча партия ходимлари томонидан тушунмовчиликларга дуч келди ва партия органлари ва махсус хизматлар томонидан "буржуа миллатчилиги" деб тавсифланди. Шу муносабат билан Колбиннинг тайинланиши маҳаллий кадрларга боглик бўлмаган ва шу тарика уларнинг таъсирига берилмайдиган одамнинг четдан келиши сифатида кўриб чикилган.

Козогистон Компартияси Марказий Комитети Пленумининг 16 декабрдаги қароридан сўнг Кунаев ўз лавозимидан четлатилиб, истеъфога чиқарилгач, Алмати санъат ва театр институти талабалари ўртасида тартибсизликлар бошланди. Уларни чет тиллар институти талабалари кўллаб-қувватлашди. Алмати марказидаги Брежнев майдонида намойишга чиқиш ва КПСС миллий сиёсати тамойилларининг бузилишига қарши ўз норозиликларини билдириш таклифи илгари сурилди. Намойиш хақидаги миш-мишлар шаҳар бўйлаб тарқалди ва эртаси куни - 17 декабрда Брежнев майдонида Козогистон коммунистик партияси Марказий комитети биноси ёнига кўп сонли ёшлар келди. Партия мутасаддилари тингловчиларга гапириб, уларни тарқатишга чақиришди, аммо бунга жавобан қуйидаги шиорлар янгради: "Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашни талаб киламиз!", "Хар бир халққа - ўз раҳбари!", "37-йил қайтишига йўл қўймаймиз!", "Буюк держава ақлсизлигига чек қўйиш!"

Бунга жавобан ички ишлар вазирлигининг СССРнинг турли шаҳарларидан келтирилган ички кўшинлари шаҳарга киритилди. Намойишчилар билан тўқнашувлар бошланди. Хавфсизлик кучлари «дубинка» ва сапер куракчалари, кўздан ёш оқизувчи газ ва сув тўпларидан фойдаланган. Талабалар қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилиб, уларнинг кўпчилигининг оғир жароҳатланишига сабаб бўлди. Яқунда намойишчилар майдондан чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Кейинчалик улар партия Марказий кўмитаси биносини «штурм билан ишғол» қилишга уринишда айбланди.

Эртаси куни намойишчилар яна Брежнев майдонида тўпланишди, бироқ аскарлар томонидан яна тарқатиб юборилди. Шундан сўнг ҳокимият жавоб ҳаракатларини амалга оширди: ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 8,5 минг киши қўлга олинди, уларнинг 2000 га яқини маъмурий жазо қоралари қўрилди - жаримага тортилди, ишдан бўшатилади, таълим муассасаларидан ҳайдалди. 1400 киши ҳақида комсомол ва партиядан жазо олди. 99 кишига нисбатан жиноят ишлари очилди. Икки намойишчи кейинчалик 20 йил қамок жазосига ҳукм қилинган. Сиёсий маҳбуслардан бири Қайрат Рысқулбеков Алматидаги воқеаларни текшираётганларнинг бевосита кўрсатмаси билан қамокдаги жиноятчилар томонидан ўлдирилган.

Козогистонда 1986 йил декабрида демократия ва миллий ўзликни ҳимоя қилиш учун ўз фикрини айтишга чиққан ёшлар хотираси муносиб кадрланади. 1996 йил Козогистон Республикаси президентининг фармони билан Қайрат Рысқулбековга «Халык қахраманы» («Халқ қахрамони») унвони берилди. Козогистоннинг кўплаб шаҳарларида, жумладан, Алматида Козогистоннинг ўша пайтдаги пойтахтида рўй берган декабр воқеалари шарафига шундай аталган Желтоқсан (декабрь) кўчаси бор. Ёшлар чиқишларининг 20 йиллиги арафасида, 2006 йил мамлакат президенти Нурсултан Назарбаев Алматида «Мустақиллик шафақи» ёдгорлигини». 1986 йил декабри воқеаларини ақс эттирадиган барельеф Алмати марказий майдонидаги Козогистон

мустиқиллик Монументини ҳам безаб туради.

Абу Муслим таржимаси